

**Вилоят халқ таълими ходимларни қайта тайёрлаш малакасини ошириш
институтида “Онкологик касалликларни олдини олиш” мавзусида
ўтказилган тадбир ҳақидаги**

МАЪЛУМОТНОМА

2016 йил 12 январь куни “Соғлом она-соғлом фарзанд” мавзуси юзасидан ўтказилган тадбирда институтнинг барча курс тингловчилари ва институт профессор – ўқитувчилари қатнашди. Тадбирда ВХТХҚТМОИ маънавий – маърифий ва илмий ишлар бўйича проректори Х.Ҳойдаров, “Иброҳим-ҳаким табобат клиникаси” бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, онкомаммологи И.Тўйчиев, институт Хотин-қизлар кўмитаси раиси Р.Ўрмонова ва Табиий ва аниқ фанлар таълими кафедрасининг профессор-ўқитувчилари қатнашдилар.

Тадбирни ВХТХҚТМОИ маънавий – маърифий ва илмий ишлар бўйича проректори Х.Ҳойдаров кириш сўзи билан бошлади. Унда 2016 йил “Соғлом она ва боли йили” деб эълон қилинганлиги, бола соғлом бўлиб дунёга келиши оила учун катта бахт эканлиги, бахтга эришиш учун она соғлом бўлиши зарур. Шунинг учун тадбиримизга “Иброҳим ҳаким табобат” клиникаси онкомаммологи И.Тўйчиевни таклиф этдик. Шифокоримиз мастопатия, уни пайдо бўлиши, олдини олиш ва даволаш усуллари ҳақида маълумот беришади.

“Иброҳим ҳаким табобат” клиникаси онкомаммологи И.Тўйчиев мастопатия – бу сут безининг безарар касаллиги бўлиб, аёлларда энг кўп тарқалган касалликдир. Бу даволаш мумкин бўлган сут безлари тўқималарида патологик ўсиш ва асабийлик билан боғлиқдир. Турли маълумотларга кўра, мастопатиядан 80% аёллар азият чекадилар. Касаллик аёллар организмида гормонал дисбаланс фонида келиб чиқади. Шифокоримиз ўз сўзида касалликнинг қандай келиб чиқиши, шакллари, қандай кўринишда бўлиши ва даволаш усуллари ҳақида маълумотлар берди.

Тадбир сўнгида тингловчилар ўзлари қизиқтирган саволларига жавоблар олдилар.

ВХТХҚТМОИ маънавий – маърифий ва илмий

ишлар бўйича проректори:

Х.Ҳайдаров

Хотин-қизлар кўмитаси раиси:

Р.Ўрмонова